

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТЕШАБОЕВ АБДУВАХОБ МАРИФОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ АППАРАТЛАРИНИНГ
КЕСУВЧИ СЕГМЕНТЛАРИНИ ПУХТАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тешабоев Абдувахоб Марифович

Қишлоқ хўжалик машиналари аппаратларининг кесувчи сегментларини пухталаш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Тешабоев Абдувахоб Марифович

Разработка технологии упрочнения режущих сегментов аппаратов сельскохозяйственных машин.....21

Teshaboyev Abduvakhob Marifovich

Development of hardening technology for cutting segments of agricultural machinery39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТЕШАБОЕВ АБДУВАХОБ МАРИФОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ АППАРАТЛАРИНИНГ
КЕСУВЧИ СЕГМЕНТЛАРИНИ ПУХТАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияни мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1955 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Норхуджаев Файзулла Рамазанович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Якубов Махмуджон Махамаджонович техника фанлари доктори, профессор Ўлмасов Тўлқин Усмонович техника фанлари номзоди, к.и.х.
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг «16» декабрь 2021 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараккиёт» ДУК, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида (рўйхатга олинган № 29-21) танишиб чиқиш мумкин. (Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати «03» декабрь 2021 йилда юборилди.
(2021 йил 8 ноябрдаги № 29-21 рақамли реестр баённомаси)

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

М.Э. Икрамова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

А.М. Эминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Махсус ҳуқуқидан Олий илмий даражаси комиссиясида** ИДНВ.4.РДН.11000 рақами **Ўзбекистон Республикасида** ёшилган.

Диссертация Фарғона вилоятининг институтинда ёзилган.
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (русча)) Ўзбекистоннинг илмий сайтида (www.garbi.uz) ва «Ziynet» Аxbорот-илмий марказида (www.ziynet.uz) қўйилган.

- | | |
|-----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Норзуддин Файзулло Раҳмонов
телефон фанлари доктори, профессор |
| Расмий аниқловчилар: | Якубов Маъмурдон Маъмурдодов
телефон фанлари доктори, профессор
Ўлмасов Тулдин Усмонов
телефон фанлари номзоди, к.ф.н. |
| Етакчи танқидот: | Анджан маншуконлик институтини |

Диссертация қилмаси Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон давлат телоника университетининг «Фан ва тармакисин» давлат унвир кордонисининг ҳуқуқидин ИДН.03.01.12.2018.Е71.00.01.24240000 Илмий комиссиянинг «16» декабри 2021 йилнинг 11^т дати мажлисида Ўзбекистон (Ўзбекистон Республикаси) Телоника, Аxbорот-Ғисмий хуқуқидин, 7а-уш. Тел: (99871) 246-39-28, Факс: (99871) 217-12-73, e-mail: fan_va_tarmaqi@uztelnet.uz, «Фан ва тармакисин» ДУК, 2-даража, аxbоротчилар қилмаси.

Диссертация билан «Фан ва тармакисин» давлат унвир кордонисининг аxbоротчилар марказида (www.garbi.uz), телефон № 29-21; танқидот қилмаси (Ўзбекистон Республикаси), Аxbорот-Ғисмий хуқуқидин, 7а-уш. Тел: (99871) 246-39-28, Факс: (99871) 217-12-73.

Диссертация авторфератин «16» декабри, 2021 йилнинг қилмасидин (2021 йил 8 ноябрининг № 29-21 рақамининг регистр қилмасидин).


С.С. Ибрагимов
Илмий даражасининг берувчи илмий қилмасини рақам,
Ушбу фан даражасининг, т.ф.н., профессор
М.З. Нарзиева
Илмий даражасининг берувчи илмий
қилмасининг рақамининг, к.ф.н., к.и.н.
А.М. Эмоми
Илмий даражасининг берувчи илмий қилмасининг
ҳуқуқидинининг қилмасини рақам, т.ф.н., профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда қишлоқ хўжалик техникалари эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш, эҳтиёт қисмлар учун сарф харажатлар ҳамда уларни ишлаб чиқариш таннархини камайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада қишлоқ хўжалиги машиналарининг тез ейиладиган деталларини тайёрлаш усулларини яратиш, уларнинг мустаҳкамлиги, ейилишга бардошлигини ошириш ва уларни пухталашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалиги машиналарининг тез ейиладиган деталларининг хизмат муддатини ошириш, уларни физик-механик хоссаларини яхшилаш, ейилишга чидамли структураларни олиш усуллари ва машиналардаги кесувчи сегментларни пухталаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалик машина ва механизмларнинг деталлари ва ишчи ресурсларини ишлаб чиқиш, уларнинг бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришга кетадиган сарф харажатларини камайтириш, эҳтиёт қисмларини мустаҳкамлиги ва хизмат муддатини ошириш имконини берадиган самарали кимёвий-термик ишлов бериш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасининг замонавий ривожланиши қишлоқ хўжалиги машиналарининг тез ейиладиган деталларини пухталаш орқали бирга унинг физик-механик хоссаларини яхшилаш, мустаҳкамлигини ва ейилишга чидамлилигини ошириш, таннархини камайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, самарали кимёвий-термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик машиналарининг тез ейиладиган деталларини пухталаш ёрдамида цементациялаш технологияси асосида асбобларнинг ейилишбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-«Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергоресурстежамкорлик, машинасозлик ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги деталларини пухталаш усулларига, жумладан кимёвий-термик ишлов бериш усуллари, цементациялаш, азотлашни қўллаш ва уларнинг пўлатларнинг структура ҳосил бўлишига таъсирлари ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, қуйидаги олимлар томонидан амалга оширилди: Stuart H., Ridley N., Anand L., Guland J., Shipman J., Brush E., Перевердев В.М., Колмыков В.И., Воротников В.А. ва бошқалар. Машина деталлари ва асбобларни пухталашнинг цементациялаш усулини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва уларни қўллашда эса Stuart H., Ridley N., Yang G.H., Garrison W.M., Колмыков В.И., Перевердев В.М., Сельников А.С., Новиков В.С, Ф.Р. Норхуджаев, Д.М. Бердиевларнинг илмий мактаблари бир қанча илмий изланишлар олиб бормоқда.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, қишлоқ хўжалиги машиналари йиғиш аппаратлари сегментларининг кесувчи қирраларини пухталаш технологиясини юқори ҳароратли цементациялаш ва кейинги юқори ҳароратли тоблаш билан ишлаб чиқиш орқали пухталашнинг технологик жараёни, меҳнат ҳажми ва таннархини камайтириш билан боғлиқ бўлган мавжуд илмий-тадқиқот ишларига боғлиқ бўлган муаммолар батафсил ёритилмаган. Мазкур диссертация иши ушбу долзарб муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №23/5 «Қишлоқ хўжалик машиналари деталларинг ейилишбардошлигини ошириш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалик машиналари аппаратларини кесувчи сегментларининг пухталаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқ қилинаётган пўлат учун юқори ҳароратли цементациялаш ва тоблашнинг режимларини асослаш ва аниқлаш;

цементациялаш ва кейинги тоблаш режимларининг пўлатнинг структура-фаза ҳолатига таъсирини аниқлаш;

цементациялаш ва тоблаш ҳароратини аустенит донаси ўлчамига таъсирини аниқлаш;

юқори ҳароратли цементациялаш жараёни учун қаттиқ карбюризатор таркибини аниқлаш;

ғалла йиғиш комбайнлари сегментларини кесувчи қирраларини пухталаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 40Х, 45ХН ва 55ХГР маркали углеродли кам легирланган пўлатлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини бўлиб, ғалла йиғиш комбайнлари сегментларининг кесувчи қирраларини юқори ҳароратли цементациялаш ва юқори ҳароратли тоблаш ёрдамида пухталаш технологияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида замонавий тадқиқот усуллари, жумладан рентгенструктурали таҳлил, металлографик таҳлил, кимёвий таҳлиллардан, намуналарнинг қаттиқлиги ва зарбий қовушқоқлиги “Металлар, Роквелл бўйича ўлчаш усули” ва бошқа умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цементациялаш ва тоблашнинг технологик режимларининг углеродли кам легирланган пўлатларининг структура-фаза ҳолатига таъсири аниқланган;

пўлатни цементациялаш ва кейинги термик ишлов бериш жараёнининг иссиқлик режимлари ишлаб чиқилган;

пўлатни цементациялаш ва тоблаш ҳароратининг унинг аустенит донаси ўлчамига таъсири аниқланган;

цементациялаш ва тоблаш ҳароратининг пўлатнинг кристалл тузилиши нуқсонийлиги даражасига таъсири аниқланган;

юқори ҳароратли цементациялаш жараёни учун қаттиқ карбюризаторнинг таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Цементациялаш ва кейинги термик ишлов беришнинг технологик циклини 2 соатгача камайтирадиган «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик маркази» МЧЖ шароитида ғалла йиғиш комбайнлари сегментларининг кесувчи қирраларини пухталашнинг технологик жараёни ишлаб чиқилган;

40Х, 45ХН ва 55ХГР маркали углеродли кам легирланган пўлатлар учун стандарт термик ишлов бериш режимларига нисбатан сегментларини кесувчи қирраларининг бардошлилигини 1,2-1,5 мартага ошириш имконини берадиган иссиқлик режимлари ишлаб чиқилган;

Цементациялаш жараёнини ўтказиш учун қаттиқ карбюризаторнинг оптимал таркиби аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, углеродли кам легирланган пўлатларни юқори ҳароратда

цементациялаш ва кейинги тоблашнинг режимларини ишлаб чиқишда кўп сонли экспериментлар натижаларини математик статистика усулида қайта ишлов бериш замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқ қилинаётган пўлатда структура-фаза ўзгаришларининг қонуниятларини аниқлаш, юқори ҳароратда цементациялаш ва тоблаш жараёнларининг иссиқлик режимларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғалла йиғиш комбайнлари сегментларининг кесувчи қирраларининг ейилишга чидамлилигининг ошиши ва ишлаб чиқилган режимлар асосида цементациялаш жараёнини тоблаш жараёни билан бирлаштириш ҳисобига пухталашнинг технологик циклини 2 соатга камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалик машиналари аппаратларининг кесувчи сегментларини пухталаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалиги машиналарининг йиғиш аппаратлари сегментларининг қирраларини пухталаш технологияси «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик маркази» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («UzAvto» АЖнинг 2020 йил 30 декабрдаги 07/06-25-1941-сон маълумотномаси). Натижада, йиғиш аппаратлари сегментларининг бардошлилигини 2 -3 бараварга ошириш имконини берган;

цементациялаш жараёни ва кейинги термик ишлов беришнинг иссиқлик режимлари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик маркази» МЧЖ да амалиётга жорий қилинган («UzAvto» АЖнинг 2020 йил 30 декабрдаги 07/06-25-1941-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган режим цементациялаш жараёнини тоблаш жараёни билан бирлаштириш имконини берган ҳолда пухталашнинг технологик циклини 2 соатга камайтириш имконини берган;

цементациялаш жараёни учун 80 % газ қурумидан ва 20 % барий карбонатидан ташкил топган карбюратор «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик маркази» МЧЖ да амалиётга жорий қилинган («UzAvto» АЖнинг 2020 йил 30 декабрдаги 07/06-25-1941-сон маълумотномаси). Натижада юзадаги қаттиқликнинг 55 НРС дан 62 НРСгача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та иш нашр қилинган. Шулардан 5 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кам легирланган пўлатларнинг пухталаш самарадорлигини таъминлашнинг технологик имкониятлари**» деб номланган биринчи бобда йиғиш машиналари аппаратларининг кесувчи сегментларини тайёрлаш учун қўлланиладиган пўлатлар ҳамда бу сегментлардаги абразив ейилиш характери таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда кесувчи сегментларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун юзаларни пухталашнинг турли усуллари, жумладан лазер ёрдамида тоблаш, газ алангасида қошлаш, электр учкун ёрдамида легирлаш, вакуумли цементациялаш ва портловчи разрядларда цементациялаш ва бошқа усуллар ишлатилиши кўрсатилган. Бу ҳолатда энг кўп тарқалган усул цементациялаш технологияси ҳисобланади, чунки цементациялаш жараёнида қаттиқлиги бўйича кварц кумидан қолишмайдиган карбидлар ҳосил бўлади. Бундан ташқари цементациялаш технологияси ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган одатдаги термик жиҳозлар (вакуумли технологиядан ташқари)ни қўллаш имконини беради. Жумладан кенг қўламда газ ёрдамида цементациялаш ва қаттиқ карбюраторда цементациялаш жараёнлари ишлатилади. Лекин катта серияли ишлаб чиқаришда ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг таъмирлаш цехларида қаттиқ карбюраторда цементациялаш жараёнини интенсификациялашнинг технологик имкониятлари бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Адабиётлар шарҳи қаттиқ карбюраторда цементациялаш жараёнини қўллаш, айниқса таъмирлаш бўйича ишлаб чиқаришда бир қатор ютуқларга эга бўлишини кўрсатди. Бу ютуқларга газларни ишлатиш мумкинлиги, тўйинтирувчи атмосферани автоматик тарзда назорат қилиш ҳамда қиздириш қурилмаларига хизмат кўрсатишнинг қулайлиги кабилар киради. Бундан ташқари абразив ейилиш шароитида энг юқори ейилишбардошликка донали цементит эга бўлиши аниқланган бўлиб, уни олиш учун қаттиқ карбюраторларни қўллаш ҳар жиҳатдан тўғри келади. Бу борада Ўзбекистонда технологик жараёнларни интенсификация қилиш имконини берадиган юқори ҳароратли цементациялаш жараёнига қаттиқ

карбюраторларни қўллаш имкониятлари бўйича тадқиқот ишлари бажарилмаган.

Диссертациянинг «**Объект танлаш ва экспериментал тадқиқот қилиш методикаси**» номли иккинчи бобида тадқиқот қилиш объектлари ва тадқиқ қилиш учун қўлланилган усуллар берилган.

Тадқиқот объекти сифатида 40Х, 45ХН, 55ХГР маркали кам легирланган конструкцион пўлатлар танланган. Бу пўлатларнинг кимёвий таркибига кўра хромга эга бўлиши билан бирлаштирган бўлиб, хром асосий карбидлар ҳосил қилувчи элемент ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот қилинадиган пўлатларнинг кимёвий таркиби

Пўлат маркаси	Пўлатдаги элементларнинг миқдори, % да							
	C	Si	Mn	Cr	Ni	B	S	P
40X	0,42	0,3	0,6	1,0	0,3	-	0,025	0,025
45XН	0,45	0,3	0,7	0,75	1,0	-	0,035	0,035
55XГР	0,55	0,3	0,9	1,2	-	0,003	0,035	0,035

Цементациялаш ва тоблаш жараёнлари учун пўлатдан тайёрланган намуналарни қиздириш шахтали печларда амалга оширилди. Ушлаб туриш вақти 2 соатдан то 12 соатгачани ташкил этади. Пўлатларни цементациялаш ва тоблаш учун қиздириш ҳарорати стандарт 860⁰С – 880⁰С дан 1200⁰С ҳароратни ўзи ичига олади. Пўлатларни бўшатиш 200⁰С ҳароратдан то 400⁰С ҳароратгача ўтказилди.

Металлографик таҳлиллар МИМ-8 маркали микроскопларда 500 мартагача катталаштиришларда бажарилди.

Рентгенструктура таҳлиллари ДРОН-3,0 рентген дифрактометрида темир аноди нурланишида ўтказилди. Цементациялаш ва термик ишлов беришнинг режимларини пўлатнинг майин структурасига, яъни кристалл тузилишнинг нуқсонийлилик даражасига таъсири баҳоланди, бу баҳоланиш рентген чизиқлари (220) кенглиги орқали бажарилди.


Цементацияланган ва термик ишлов берилган намуналарнинг қаттиқлиги ГОСТ9013 бўйича ТК-2 маркали қаттиқлик ўлчайдиган қурилмада 150 кгс юкламада аниқланди.

Пўлатларнинг юзасидаги микроқаттиқлик ПМТ-3 маркали микроқаттиқлик ўлчайдиган приборда аниқланди. Зарбий қовушқоқлик МК-30 маятникли копёрда ГОСТ 9454-78 бўйича аниқланди. Ёйилиш-бардошликка синаш Х4-Б маркали ишқаланиш машинасида намуналарнинг абразив ёйилишда ўтказилди. “CLASS” фирмасининг йиғиш комбайнлари аппаратларини пухталанган кесувчи сегментлари синаш дала шароитларда ўтказилди.

Эксперимент натижаларини қайта ишлаш математик статистика усули билан амалга оширилган.


Диссертация ишининг “**Цементациялаш ва термик ишлов бериш режимларининг тадқиқот қилинаётган пўлатларнинг структураси**

ва хоссасига таъсири” номли учинчи бобда цементациялаш ва кейинги термик ишлов беришнинг технологик режимларининг тадқиқот қилинаётган пўлатларининг диффузион қатлам қалинлиги, структура параметрлари ва механик тавсифномаларига таъсири бўйича боғлиқлик натижалари келтирилган. Тадқиқот қилиш натижалари 900⁰С ҳароратда цементациялаш жараёнида 1 мм самарали диффузион қатламини олиш учун 12 соатдан кўп вақт керак бўлишини кўрсатди (1-3 расмлар).




1-цементациялаш ҳарорати – 900⁰С; 2- цементациялаш ҳарорати – 1000⁰С;
3- цементациялаш ҳарорати – 1100⁰С; 4- цементациялаш ҳарорати – 1200⁰С.

1-расм. 80 % газ қуруми ва 20 % ВаСО₃ эга бўлган карбюризаторда 55ХГР маркали пўлатни цементациялашда цементацияланган қатлам чуқурлигининг давом этиш вақтининг ҳароратга боғлиқлиги



1- цементациялаш ҳарорати – 900⁰С; 2- цементациялаш ҳарорати – 1000⁰С; 3- цементациялаш ҳарорати – 1100⁰С; 4- цементациялаш ҳарорати – 1200⁰С.

2-расм. 80 % газ қуруми ва 20 % ВаСО₃ эга бўлган карбюризаторда 45ХН маркали пўлатни цементациялашда цементацияланган қатлам чуқурлигининг давом этиш вақтининг ҳароратга боғлиқлиги




1- цементациялаш ҳарорати – 900 °C; 2- цементациялаш ҳарорати – 1000 °C; 3- цементациялаш ҳарорати – 1100 °C; 4- цементациялаш ҳарорати – 1200 °C.

3-расм. 80 % газ қуруми ва 20 % BaCO_3 эга бўлган карбюризаторда 55ХГР маркали пўлатни цементациялашда цементацияланган қатлам чуқурлигининг давом этиш вақтининг ҳароратга боғлиқлиги

1100-1200°C ҳароратда цементациялаш жараёнида 8 дан 10 соатгача вақт етарли ҳисобланади. Цементациялаш ёрдамида пухталашнинг стандарт технологик жараёнида пўлатни углерод билан тўйинтиришдан кейин стандарт термик ишлов бериш жараёнини бажариш керак бўлади, бу ўз навбатида бу жараён ҳар бир пўлат маркаси учун одатда қабул қилинган ҳароратда тоблаш ва берилган қаттиқликни олиш учун бўшатиш жараёнидан иборат бўлади.

Бизнинг ҳолатда цементациялаш жараёнини интенсификациялаш ва имконият даражасида цементациялаш жараёнини тоблаш жараёни билан бирлаштириш вазифаси қўйилган. Бу имкониятларни тадқиқ қилиш учун пўлатни тоблаш учун қиздириш ҳароратини узок вақт аустенизациялашга таъсирини тадқиқ қилиш керак бўлади (4-расм).



1- нормаллашдан кейин донанинг ўлчами, аустенизациялаш 2 соат;
2- қайта тоблашдан кейин донанинг ўлчами.

4-расм. 55ХГР маркали пўлатнинг аустенит донасининг ўлчамини дастлабки қиздириш ҳароратига боғлиқлиги


Бунинг учун пўлатни тоблаш учун дастлабки қиздириш ҳароратини аустенит донасининг катталашини таъсири тадқиқ қилинган. Графиклардан пўлатнинг қиздириш ҳароратининг ошиши билан аустенит донаси интенсив

равишда ошиши кўришиб турибди. Лекин бу ҳароратларда қайтадан тоблаш натижасида бу нуқсон, ҳодисалар бартараф этилади.

Шундай қилиб шуни таъкидлаш жоизки, пўлатларни юқори ҳароратда тоблашдан кейин цементациялаш жараёнини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолатда донанинг интенсив ўсиши кузатилади, бу эса совитишдан сўнг қайд қилинади.

Донани майдалаштириш учун цементацияланган намуналарни совитишдан кейин пўлатни тоблаш лозим. Қайтадан тоблаш ўтказилганда аустенизациялаш жараёнини ҳамма қиздириш ҳароратларида донанинг майдалашиши содир бўлади ва бу ҳолатлардаги вақт соат эмас, балки дақиқаларни ташкил этади. Бундан ташқари асбобсозлик пўлатлари учун олдиндан қилинган тадқиқотлар натижасида экстремал ҳароратда тоблаш ўтказилганда кристалл панжаранинг нуқсонлилиги ошади, бу эса ўз навбатида пўлатларнинг ейилишга чидамлилигини таъминлаб беради.

Ўзгартириш интервали 200°C дан то 400°C гача олинди. Олиб борилган тадқиқотлар 1100°C ҳароратда тоблаш ва бўшатишни ҳамма режимларида кристалл тузилишининг нуқсонийлик даражаси юқори эканлигини кўрсатди (5-расм).



1- 40X маркали пўлат; 2- 45ХН маркали пўлат; 3- 55ХГР маркали пўлат.

5-расм. 40X, 45ХН, 55ХГР маркали пўлатларнинг (220) рентген чизиқларининг физик кенглигининг тоблаш, 200°C бўшатиш ҳароратига боғлиқ равишда ўзгариши


Пўлатнинг кристалл тузилишининг нуқсонлилики даражасини аниқлаш учун тоблаш ва бўшатиш ҳароратларини шу даражага таъсири бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Нуқсонийлик даражасининг интеграл тавсифномаси сифатида тавсияларга мувофиқ (220) рентген чизиқлари олинган. Рентген чизиқларининг физик кенглигини (220) термик ишлов бериш, яъни тоблаш ва бўшатиш режимларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди.

Стандарт тоблашнинг қиздириш ҳарорати сифатида 860°C ҳарорат олинган. Худди шу ҳароратда тадқиқот қилинаётган учта пўлат маркасини тоблаш мумкин бўлади, бу эса ўз навбатида бу пўлатларнинг термик ишлов

бериш режимларини унификация қилиш имкониятини беради. Тоблаш учун қиздириш режимлари цементациялаш жараёнлари билан бир хил, ўхшашдир.

Пўлатларни тоблаш учун қиздириш режимлари 860°C дан то 1200°C ҳароратгача бўлган ҳолатларда тадқиқот ишлари ўтказилди (6-расм).




1- 40X маркали пўлат; 2- 45XN маркали пўлат; 3- 55XGP маркали пўлат.

6-расм. 40X, 45XN, 55XGP маркали пўлатларнинг (220) рентген чизиқларининг физик кенглигининг тоблаш, 350 °C бўшатиш ҳароратига боғлиқ равишда ўзгариши


Бу ҳолат юқори ҳароратли қиздиришда қийин эрийдиган фазалар (оксидлар, нитридлар) эришининг кузатилиши ва кристалл тузилишининг юқори даражадаги нуқсонийлигига эга бўлган мувозанат бўлмаган структуранинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. Бизнинг ҳолатда цементациялаш жараёнининг энергия ҳажмдорлигини камайтириш мақсадида цементациялаш ва тоблашни бирлаштирадиган пўлатларни пухталашнинг технологик схемаси тавсия этилган (7-расм).

Пўлатларни бундай пухталаш схемасида цементациялаш жараёни тоблаш жараёни билан ягона технологик циклга бирлаштирилади. Бундай ҳолатда битта қиздириш қурилмаси ва бир хил ишчи ҳароратдан фойдаланилади.



7-расм. Қаттиқ карбюризаторда цементациялаш ва термик ишлов бериш жараёнининг тавсия этилаётган схемаси

Рентгенструктура таҳлили тўлиқ пухталаш цикли тугагандан кейин кристалл тузилишнинг максимум нуқсонийлиги тоблаш ҳарорати 1100°C бўлганда бўлишини кўрсатди (8-расм).




1- 40X маркали пўлат; 2- 45XN маркали пўлат; 3- 55XGP маркали пўлат.

8-расм. 200°C якуний бўшатиш ҳароратига эга бўлган пухталашнинг тўлиқ циклидан ўтган 40X, 45XN, 55XGP маркали пўлатларни (220) рентген чизиқларининг физик кенглигининг ўзгариши

Шу билан бирга пўлатнинг диффузион зонасининг чуқурлиги бўйича микрокаттикликни ўлчаш ҳам бажарилди. 55XGP маркали пўлатнинг 1100°C ҳароратда ўтказилган цементациялаш билан тоблаш ҳамда 200°C ҳароратда паст ҳароратли бўшатиш кейин пўлатнинг диффузион зонаси тадқиқ қилинди.


Ишлаб чиқаришда цементацияланган қатлам қалинлиги сифатида эвтектоиддан кейинги, эвтектоидли ва ярми эвтектоидгача зоналардан ташкил топган зона олинади, унинг микрокаттиклик даражаси $5000\text{HV} - 6000\text{HV}$ га мос келади (9-расм).



1- 40X маркали пўлат; 2- 45XN маркали пўлат; 3- 55XGP маркали пўлат.

9-расм. Пухталашнинг тўлиқ цикли, цементациялаш ва 1100°C ҳароратда тоблаш ва $180-200^{\circ}\text{C}$ ҳароратда якуний бўшатишдан ўтган пўлатнинг юза қатлами чуқурлигида микрокаттикликнинг ўзгариши

Цементациялашдан кейин термик ишлов берилган 55ХГР маркали пўлатнинг микроструктура таҳлиллари структурада майда игнали мартенсит, унча катта бўлмаган участкаларда қолдиқ аустенит ва ўз навбатида карбидларнинг ҳосил бўлишини кўрсатди (10-расм).



X500

10-расм. 55ХГР маркали пўлатни цементациялаш ва кейинги термик ишлов беришдан сўнг микроструктураси. Цементациялаш ҳарорати 1100 °С, ушлаб туриш вақти – 8 соат, тоблаш ҳарорати 1100 °С, бўшатиш ҳарорати 200 °С.

Цементациялаш ва термик ишлов беришнинг режимларининг зарбий қовушқоқликка таъсирини аниқлаш учун алоҳида тадқиқот ишлари бажарилди. Тадқиқот натижалари 55ХГР маркали пўлатни 40Х ва 45ХН маркали пўлатларга нисбатан юқорироқ зарбий қовушқоқликка эга бўлишини кўрсатди. Тадқиқот қилинаётган пўлатларнинг ҳамма маркаларида зарбий қовушқоқликни цементациялаш ва тоблаш режимларига боғлиқлиги кузатилмоқда.

Цементациялаш ва тоблаш ҳароратининг ошиши билан пўлатнинг зарбий қовушқоқлиги камаяди. Бу натижалар пўлатларнинг қаттиқлигининг ўзгариши бўйича маълумотларига мос келади. Цементациялаш ва тоблаш ҳароратининг ошиши билан пўлатнинг қаттиқлиги ошади ва ўз навбатида пўлатнинг мўртлиги ҳам ошишини зарбий қовушқоқлик бўйича эксперимент натижалари кўрсатди. Умуман шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқ қилинаётган пўлатнинг зарбий қовушқоқлиги пухталашнинг ҳамма режимларида ҳар бир пўлат маркаси учун талабга жавоб берадиган ҳолатда бўлиб, бу эса йиғиш машиналари аппаратларини кесувчи сегментларини тайёрлашда қўлланиладиган пўлатлар учун ишлаб чиқилган пухталаш режимларини қўллаш имконини беради.


Диссертация ишининг “**Цементациялаш ёрдамида пухталашнинг технологик режимларини пўлатнинг ейилишга бардошлиликка таъсири ва йиғиш машинасининг кесувчи сегментларини пухталаш технологиясини ишлаб чиқиш**” номли тўртинчи бобида У8А, 40Х, 45ХН ва 55ХГР маркали пўлатларнинг абразив ейилишбардошлигини термик ишлов бериш режимларига боғлиқ равишдаги натижалари ҳамда цементациялаш ва кейинги

термик ишлов беришдан ўтган пухталанган пўлатларни синаш натижалари ҳам келтирилган.

Тадқиқ қилинаётган пўлатларнинг абразив ейилишбардошлиги Х4-Б маркали ишқаланиш машинасида аниқланди. Синаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларини қиёсий таққослаш мақсадида У8А, 40Х, 45ХН ва 55ХГР маркали пўлатлардан тайёрланган намуналар термик ишлов беришнинг, яъни тоблаш ва бўшатишнинг турли ҳароратларида ишлов беришга жалб қилинди. У8А маркали пўлат АҚШ ASME стандарти бўйича W108 маркали пўлатнинг аналоги ҳисобланиб, ушбу пўлат хорижий фирмаларда йиғиш машиналари аппаратларини кесувчи сегментларини тайёрлашда қўлланилади. Олинган натижаларни таҳлил қилиш учун пўлатнинг ейилишини тоблаш ва 200⁰С ҳароратда бўшатиш режимларига боғлиқлик графиги қурилди (11-расм).

Графикдан У8А маркали пўлатнинг энг кичик ейилишга эга эканлиги кўриниб турибди. Пўлатда углероднинг миқдорининг камайиши билан пўлатнинг ейилиши ошиб боради, бу эса ўз навбатида пўлатнинг қаттиқлигига мос келади. 1100⁰С ҳароратда тоблаш ҳароратининг таъсири бир хилда кўрилиб, бу тоблашда пўлатнинг ейилиши минимал қийматга етади. Йиғиш машиналари аппаратларини кесувчи сегментлари асосан У8А маркали пўлатдан тайёрланади. Термик ишлов бериш ёрдамида 55ХГР маркали пружинали пўлатни қўллаш натижасида ейилишбардошлик бўйича У8А маркали пўлатнинг ейилишбардошлигига яқинлашиш мумкин бўлади. Лекин кесувчи сегментларнинг ейилишбардошлигини умумий ошириш учун етарли ҳисобланмайди. Пўлатнинг ейилишбардошлигини ошириш мақсадида қаттиқ карбюраторда цементациялаш технологияси қўлланилган.

Кам легирланган конструкцион пўлатни пухталашнинг янги технологиясининг ўзига хос хусусиятига цементациялаш жараёнини тоблаш жараёни билан бирлаштириш ётибди. Янги технология бўйича тадқиқ қилинаётган пўлатларни абразив ейилишбардошликка синаш учун 40Х, 45ХН, 55ХГР маркали пўлатлардан намуналар тайёрланди.



11-расм. Пўлатнинг ейилишбардошлигини тоблаш ҳарорати, 200 °С ҳароратда бўшатиш ҳароратига боғлиқ равишда ўзгариши

Бу намуналар пухталашнинг қуйидаги босқичларидан ўтди: олдин 80 %

газ қуруми ва 20 % барий углекарбонатдан ташкил топган қаттиқ карбюраторда 860⁰С дан 1200⁰С гача ҳароратларда 8 соат мобайнида цементациялаш жараёни ўтказилди, сўнгра намуналар цементацияланган қутичадан олинади ва кейин 500⁰С ҳароратгача секин совитилади шундан сўнг намуналар тўғридан-тўғри цементациялаш жараёни ўтказилган тоблаш печига юкланади. Намуналар бу печда 1100⁰С ҳароратгача қиздирилади ва мойда тобланади. Тайёрланган намуналар 2-бобда ифодаланган методика бўйича ейилишбардошликка синалди. Синашлар натижаси асосида пўлатнинг абразив ейилишининг цементациялаш режимлари ва кейинги термик ишлов беришга боғлиқлик графиклари қурилди (11-расм).

Тадқиқ қилиш натижалари пўлатни цементациялаш жараёнини тоблаш билан биргаликда ўтказилиши ейилишбардошлик даражасини цементациялаш ва тоблаш ҳароратларининг ошиши билан ошишини кўрсатди ва 1100⁰С ҳароратда цементациялаш ва тоблаш ҳарорати ҳамда қўлланилган бўшатишлар ҳароратлар режимларида катта бўлган қийматга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, пўлатларни стандарт цементациялаш ва термик ишлов бериш жараёнлари схемаси билан таққослаш ишлари бажарилди, бу жараёнлар қуйидаги режимлардан иборат: 920⁰С ҳароратда цементациялаш, сўнгра хона ҳароратигача совитиш ва тоблаш ҳамма маркали пўлатларни 860⁰С ҳароратда тоблаш ва 200⁰С, 350⁰С, 400⁰С ҳароратларда бўшатишдан иборат. Бу синов натижаларини пўлатларнинг маркалари бўйича таққослаш пўлатлардан тайёрланган намуналарни ейилишидаги фарқлар пўлат маркаларига боғлиқ равишда, яъни углероднинг ҳақиқий фоиздаги миқдорида аниқ кўришиб турибди.. Энг кам ейилиш цементациялаш ва термик ишлов беришнинг ҳамма режимларида 55ХГР маркали пўлатда кузатилади. 40Х ва 45ХН маркали пўлатлардан тайёрланган намуналарда ейилиш ўзининг қийматига яқин бўлади. Шундай қилиб, пўлатларни цементациялаш ва кейинги термик ишлов беришда ейилишбардошлилигини оширувчи асосий омил углероднинг фоиздаги миқдори бўлиб, у пўлатларни карбидзациялаш жараёнида асосий элемент ҳисобланади, бу пўлатнинг қаттиқлиги бўйича қийматларида ўз аксини топади (2-жадвал). Саноати ривожланган давлатларда асосан мўътадил иқлимлар зонасига эксплуатация қилишга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон иқлими иссиқ иқлимлар зонасига кириб, ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ташқи муҳитнинг юқори чангланганлиги билан характерланади. Чангда 82 % гача кварц ва корунд бўлади, улар юқори қаттиқликка эга бўлиши билан қишлоқ хўжалиги машиналарини узеллари деталлари ва механизмларининг абразив ейилишига олиб келади. Бундан ташқари тупроқнинг таркибида кварц кумлари ҳам мавжуд. Жумладан, “CLASS” маркали ғалла йиғиш комбайнлар учун 1 та комплект кесувчи сегментларни олиш учун кетадиган сарф харажатлар юқори ҳисобланади. Кесувчи сегментлар пўлатдан тайёрланган уч бурчак шаклдаги пластинадан иборат бўлган асбоб ҳисобланади.

**Цементациялаш жараёнини тоблаш жараёни билан бирлаштирган ҳолда
ва якуний бўшатишдан иборат тўлиқ цикл пухталашдан кейин 40X,
45XН, 55XГР маркали пўлатларни қаттиқлиги**

Пўлатнинг маркаси	Цементациялаш ва тоблаш ҳарорати, °C	Якуний бўшатиш ҳарорати, °C	HRC шкала бўйича қаттиқлик
40X	860	200	58-59
	1000		58-59
	1100		59-60
	1200		59-60
45XН	860	200	58-59
	1000		58-59
	1100		60-61
	1200		60-61
55XГР	860	200	61-62
	1000		61-62
	1100		62-63
	1200		62-63

Сегментлар ёрдамида кесиш жараёни битта текисликда қайтар-тезланувчан ҳаракатлар ҳисобига амалга оширилади, ўсимликни кесиш сегментни доира пластинасига қарама-қарши томонга ҳаракатланиши туфайли ўсимликни ўроқнинг бармоқлари орасидаги стебелларга кириш натижасида бажарилади. Лекин сегментларнинг ейилишбардошлиги оригинал сегментларнинг ейилишбардошлигидан 1,5 – 2,0 марта кичик эди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кесувчи сегментлар юқори қаттиқликка эга бўлиши билан бирга керакли зарбий қовушқоқликка ҳам эга бўлиши керак. У8А ва 40X маркали пўлатларнинг турли ейилишбардошликка эга эканлиги У8А маркали пўлатда карбид фазаларнинг мавжудлиги ва 40X маркали пўлатда эса карбид фазаларнинг йўқлиги билан тушунтирилади. Пўлатларда қаттиқлик асосан тоблашда мартенситли ўзгаришлар ҳисобига ошади.

Шундай қилиб, пўлат структурасида цементит ташкил этувчини ошириш орқали ейилишбардошликни оширишга эришиш мумкин бўлади. Худди шу ҳолат комбайннинг кесувчи сегментини пухталашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Технологиянинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида 40X ва 55XГР маркали пўлатлардан кесувчи сегментлар қиёсий синовлар ўтказиш учун тайёрланди. 40X маркали пўлат абразив синовлар натижалари амалий жиҳатдан 45XН маркали пўлатники билан бир хил чиқди. Бундан ташқари 40X маркали пўлат 45XН маркали пўлатга қараганда машинасозликда кенг кўламда ишлатилади. 55XГР маркали пружинали пўлат абразив ейилишга синаш оқибатида стандарт термик ишлов беришдан ўтган У8А маркали пўлатга нисбатан яхши натижаларга эга бўлди.

40X ва 55XГР маркали пўлатлардан тайёрланган кесувчи сегментлар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик маркази

шароитида тайёрланди.

Қиёсий таққослаш мақсадида ҳозирги вақтда қўлланилаётган стандарт термик ишлов беришдан ўтган ва пухталанмаган 40X маркали пўлатдан кесувчи сегментларнинг комплектлари тайёрланди. Импорт қилинадиган сегментларни алмаштириш мақсадида пухталашнинг технологик жараёни ўтказилди.

Дала шароитида ўтказилган синов ишлари 40X маркали пўлатдан тайёрланган ва стандарт технология асосида термик ишлов берилган ҳамда “CLASS” комбайнининг ўроғига ўрнатилган кесувчи сегментлар билан “Нуробод” МЧЖ МТП да 180-200 гектар ерга ишлов берилди. 55ХГР маркали пўлатдан тайёрланган ва юқори ҳароратли тоблаш ва паст ҳароратли бўшатишдан ўтган кесувчи сегментлар билан 200-220 гектар ерга ишлов берилди.

55ХГР маркали пўлатдан тайёрланган ва юқори ҳароратли цементациялашни юқори ҳароратли тоблаш ва паст ҳароратли бўшатиш биргаликда ўтказилгандан кейинги кесувчи сегментлар билан 250-300 гектар ерга ишлов берилди.

ХУЛОСА

1. 40X, 45ХН, 55ХГР маркали пўлатлар учун ейилишбардошликни 1,5-2,0 бараварга оширишни таъминлайдиган юқори ҳароратли цементациялаш ва тоблаш ҳамда паст ҳароратли бўшатишни ўз ичига олган пухталаш технологияси ишлаб чиқилди.

2. Ишлаб чиқилган технология асосида цементациялаш ва термик ишлов бериш жараёнида самарали пухталаш қалинлиги аниқланди.

3. Йиғиш машинаси аппаратларининг кесувчи сегментларини тайёрлаш учун ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг 15-20 % га камайишини таъминлайдиган ноёб импорт қилинадиган W108 маркали пўлат ўрнига 55ХГР маркали пўлат тавсия этилди.

4. 40X, 45ХН, 55ХГР маркали пўлатлар учун технологик циклни 2 соатга камайтиришни таъминлайдиган цементациялаш ва тоблаш жараёнларини бирлаштириш имконини берадиган иссиқлик режимлари ишлаб чиқилди.

5. Пўлатларнинг сирқи қатламидаги қаттиқлигини 55 HRC дан 62 HRC гача оширишни таъминлайдиган 80% газ қуруми ва 20% барий карбонатдан иборат карбюратор таркиби цементациялаш жараёни учун тавсия этилди.

6. “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструктор-технологик марказ” МЧЖ ва “Нуробод” МТП МЧЖга “CLASS” комбайни ўроғининг сегментини кесувчи қиррасини пухталаш технологиясини тадбиқ этиш натижасида кесувчи сегментларнинг ейилишбардошлигининг 1,5-2,0 бараварга ошиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТЕШАБОЕВ АБДУВАХОБ МАРИФОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ УПРОЧНЕНИЯ РЕЩУЩИХ
СЕКМЕНТОВ АППАРАТОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ МАШИН**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов. Технология радиоактивных, цветных и редких
элементов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/Т1954 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.gupft.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Норхуджаев Файзулла Рамазанович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Якубов Махмуджон Махамаджонович доктор технических наук, профессор Ўлмасов Тўлқин Усмонович кандидат технических наук, с.н.с.
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «16» декабрь 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqiyot@mail.ru, www.gupft.uz. на здании ГУП «Фан ватараккиет», 2 этаж, зал конференций (онлайн)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (зарегистрировано номером №29). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73.

Автореферат диссертации разослан «03» декабря 2021 года (протокол реестра №29 от «08» ноября 2021 г.).

С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, академик АН РУз, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2020.4.PhD/T1954 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.darf.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель:	Норсуджан Файзулла Рамазанович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Якубов Махмуджон Махаммаджоневич доктор технических наук, профессор Улмасов Тулкин Усманович кандидат технических наук, с.н.с.
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «16» декабря 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараққёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyoq@mail.ru, www.darf.uz. на здании ГУП «Фан ва тараққёт», 2 этаж, зал конференций (онлайн)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараққёт» (зарегистрировано номером №29). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба 7а. тел: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «03» декабря 2021 года
(протокол реестра №29 от «08» ноября 2021 г.).



С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней и ученых званий, д.т.н., профессор

М.Э. Икромов

Член секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, к.т.н., с.н.с.

А.М. Эшинов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Важной задачей в мире является производство запчастей для сельхозтехники, повышение их долговечности, снижение стоимости запчастей и стоимости их производства. В связи с этим особое значение приобретает создание способов производства быстро ломающихся деталей сельскохозяйственной техники, повышение их прочности, устойчивости к растеканию и разработка новых технологий их упрочнения.

В мировом масштабе ведутся научные исследования по увеличению срока службы скоропортящихся частей сельскохозяйственной техники, улучшению их физико-механических свойств, методов получения коррозионностойких конструкций и разработки технологии заточки режущих сегментов на станках. В связи с этим особое внимание уделяется разработке эффективных технологий химической и термической обработки, в том числе развитию деталей и рабочей силы сельскохозяйственных машин и оборудования, снижению их одновременных затрат на производство, увеличению долговечности и срока службы запасных частей.

